Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 май, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 87 (1340)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни АҚШнинг «Юнокал» корпорацияси вице-президенти Марти Миллер ва Саудия Арабистонининг «Делта ойл» компанияси вице-президенти Усмон Калдиримни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари ушбу икки йирик фирма билан Ўзбекистоннинг ер ости бойликларини ўзлаштириш борасида кенг ҳамкорлик қилиниши томонлар учун бирдек манфаатли бўлишини айтди. Мазкур фирмалар иштирокида Марказий Осиё нефт ва газ узатиш тармоқлари лойиҳасининг амалга оширилиши минтақа ва унга қўшни давлатларга иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мақбул бўлибгина қолмай, ушбу ҳудуд хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшишини таъкидлади.

Маълумки, «Юнокал» дунёнинг 32 мамлакатида фаолият кўрсатаётган Калифорния бирлашган нефт компаниясининг фирмаси ҳисобланади. «Юнокал» билан «Делта ойл» нефт ва газ конларини ўзлаштириш борасида шериклик қилиб келади ҳамда бу соҳадаги лойиҳаларни биргаликда амалга оширади. Айни пайтда «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси билан «Юнокал» ва «Делта ойл» ўртасида Ўзбекистонда нефт-газ конларини қидириш ҳамда ўзлаштириш бўйича муддаолар протоколи имзоланган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан мазкур фирмалар ўртасида Марказий Осиё нефт ва газ узатиш тармоқлари лойиҳаси бўйича тегишли битим тузилди. Бу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ер ости бойликларини ўзлаштириш ва экспорт қилишда яхши омил бўлади.

Суҳбат чоғида шу соҳада амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ тасвирга олган.**
**(ЎзА).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА ҚАБУЛ

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов 2 май куни Сайлов тизимлари халқаро фондининг Марказий Осиё бошқармаси директори Г. Хофманни қабул қилди.

Суҳбат чоғида сайловга оид республика қонунини янада такомиллаштириш мақсадида турли масалалар юзасидан сайловчилар фикрини ўрганиш хусусида фонд тақдим этган лойиҳа муҳокама этилди.

Суҳбатда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси С. Эскудеро иштирок этди.

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг таклифига биноан Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикасига жўнаб кетди.

Кузатиб қолувчилар орасида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Со Кон И ҳозир бўлди.

## ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ИНСОНПАРВАРЛИК ОРҚАЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида 2 май куни «Инсонпарварлик соҳасида ҳамкорлик қилиш орқали тинчлик ва хавфсизликка эришиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Унда Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ходимлари, Олий Мажлис депутатлари, мамлакатимиздаги дипломатия ваколатхоналари вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Семинар яқинда Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 149-сессияси якунлари ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи муҳокамасига бағишланди. Институт директори М. Раҳмонқулов «Ўзбекистон ва жаҳон: инсонпарварлик ва интеллектуал ҳамкорлик» мавзуида маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари Президент Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО сессиясида сўзлаган нутқида кўтарилган муаммолар, жумладан, Ўзбекистонда ёшларга доир сиёсатнинг асосий йўналишлари, ўзгараётган дунёда республикамизнинг тутган ўрни, хотин-қизлар ва ҳозирги замон, маънавиятни тиклаш, миллий удум ва анъаналарни ривожлантириш, миллий тотувлик билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашдилар.

Семинарда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ

***30 апрель куни Алмати шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳарбий хизматчиларидан БМТ раҳнамолигида Марказий Осиёда тинчликни таъминлаш батальони ташкил этишга қарор қилинди.

Йиғилишда ана шу уч республика ўртасида имзоланган шартнома ва битимларнинг амалга жорий этилиши ҳақидаги ахборот тингланди, ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» ойлик журналини таъсис этишга қарор қилдилар.

У Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг Давлатлараро Кенгаши матбуот органи бўлиб, Тошкентда чоп этилади.

Вазирлар гиёҳванд воситалар, руҳий таъсир этувчи моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва суиистеъмол қилиш устидан назорат ўрнатиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум лойиҳасини маъқулладилар ҳамда уни 3-4 май кунлари Тошкентда ўтказиладиган халқаро конференцияда имзолашга тавсия этдилар.

Афғонистон ва Тожикистондаги вазият юзасидан ахборотлар тингланди.

Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари Ташқи ишлар вазирлари кенгаши шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг учрашувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Уч давлат ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилишини 1996 йил август ойида Бишкек шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ташқи ишлар вазирлиги**
**ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот**
**агентлиги**




***Европа ҳаво йўлларида учаётган баъзи самолётлар сунъий йўлдош ўтказгичлари билан таъминланди. Бу ҳаво ҳаракати бошқарувига самолаётлар оддий радар экранидан чиқиб кетганликларидан кейин ҳам анчагача кузатиш имконини бериши мумкин.***

***

***Мўғулистоннинг шимолий ва марказий районларини қамраб олган ёнғин кенг далаларни ва ўрмонларни ўз комига тортмоқда. Мўғулистон ҳукумати оловни ўчириш учун халқаро ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ёнғиндан ҳозиргача 15 киши ҳалок бўлди ва 60 киши яраланди.***

***

***Гонконгдан чиқаётган газеталарнинг ёзишига қараганда, Хитойнинг 91 ёшли собиқ раҳбари Ден Сяопинь касалликдан қаттиқ азоб чекмоқда. Унинг аҳволидан ҳозир 30-40 нафар докторлар галма-галдан хабар олиб туришибди.***

***

***Либерия пойтахти Монровия шаҳрида 6 апрель куни бошланган турли жангари тўдаларнинг ўзаро отишмалари чоршанба куни тўхтатилди. Ўт очишни тўхтатиш ҳақида жасадлар билан тўлган шаҳарга тўпланган жангарилар бошлиқлари ўзаро келишиб олишди.***

***

***Чеченистон жангариларининг собиқ раҳбари Жоҳар Дудаевнинг ўрнига келган янги йўлбошчи Зелимхон Яндарбиев ўлдирилганлиги ҳақида миш-мишлар тарқаган эди. Аммо у чоршанба куни телевидение мухбирларига интервью бериб, Чеченистон Россиядан озод бўлгунга қадар ва охирги жангчи қолгунча курашни давом эттиражагини баён қилган.***

***

***Яман қирғоқларида 63 нафар Сомали фуқароси жасади топилди. Улар кема орқали Сомалидан Яманга яширинча ўтиб олишга ҳаракат қилган. Маҳаллий полиция тахминига кўра, қочқинлар денгиз қароқчилари ҳужумининг қурбони бўлган. Ямanda тарқатилган хабарда айтилишича, одамларни яширинча Яманга ташувчи бир нечта кеманинг хўжайинлари ҳибсга олинган. Улардан бирининг гувоҳлик беришича, қароқчилар кемага ҳужум қилиб, йўловчиларни талаган, сўнгра кўпчилигини ўлдирган. Жасадларини эса сувга ташлаган. Хўжайиннинг ўзи эса бир неча йўловчилар билан қароқчиларга 70 минг АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлаб омон қолган.***

***

***Сеулда Жанубий Корея банклари ичида иқтисодий қудрати жиҳатидан учинчи ўринда турадиган банкнинг бошлиғи товламачиликда айбланиб қамоққа олинди. Кореянинг яна бир энг етакчи банкларидан бирининг бошлиғи Ли Чу Су ҳам пул тўлаш қобилиятига эга бўлмаган фирмага пора эвазига ноқонуний пул берганликда айбланмоқда.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро талабларга жавоб берадиган молия-кредит тизимининг юқори малакали кадрларини тайёрлаш, шунингдек, молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Марказий банки ва банклар уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар банк-молия академияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

а) қуйидаги йўналишлар бўйича банк ишининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш:

— монетар сиёсат ва пул муомаласи;

— молия менежменти, активлар ва пассивларни бошқариш;

— инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама экспертиза қилиш ва молиялаш;

— халқаро молия бозорларидаги операциялар;

— банк аудити;

б) халқаро банк ишидаги энг янги ютуқларга мунтазам суратда ўқитиш йўли билан банк раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

в) мамлакатда молия-пул тизимини ва банк ишини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш.

3. Республика бюджети ва Ўзбекистон банклар уюшмасининг маблағлари тенг улушларда академияни молиялашнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон банклари уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда академия раҳбарияти билан биргаликда академия талабларини, тингловчиларини ўқитиш ҳамда уларнинг ва профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш дастурларини пул билан таъминлаш учун халқаро молия муассасаларининг, хорижий банклар ва компанияларнинг маблағларини жалб этиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

4. Академия, у ташкил этадиган муассасалар, корхоналар ва фондлар тузилган кундан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

5. Банк-молия академияси талабаларнинг биринчи қабулини 1996-1997 ўқув йилига белгиланган тартибда амалга оширсин. Ўқув йили бошлангунгача, академия кадрлар билан таъминланиб боришига қараб республика банк тизими мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўқув жараёнини, илмий ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш, шунингдек, унинг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш масалаларида банк-молия академиясига ёрдам берсинлар. Шу мақсадда халқаро молия муассасаларининг, дунёдаги етакчи тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 2 май

## ОЛТИНГА ОЛТИН СОВРИН

***Навоий тоғ-металлургия комбинатининг олтини юқори сифатлидир.***

Бу ўтган йилнинг тўртинчи чорагида халқаро миқёсда икки маротаба расман тан олинди. Дастлаб комбинат ушбу қимматбаҳо маҳсулоти учун халқаро «Олтин глобус» совринига мушарраф бўлган эди. Йил ниҳоясида эса Испаниядан 1995 йилдаги энг яхши савдо тамғаси учун бериладиган олтин соврин олинди.

## ...ГЕРМАНИЯДАН ЭСА 3 ТА «ШТЕККАР»

***«Бухоронефтзаводқурилиш» трестига қарашли 6-автотранспорт корхонаси жамоаси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида фаол иштирок этаётир.***

Корхона раҳбарияти долзарб объектда иш кўламини янада кенгайтириш мақсадида тинмай изланмоқда. Яқинда бу ерга Беларусь Республикасидан 10 та янги «МАЗ-5551» русумли самосвал, Германиядан эса 3 та «Штеккар» русумли қоришма ташувчи янги автомобиллар келтирилди.

## ЯНГИЛИКЛАР

*Кеча, бугун, эртага*

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар



Мукаррама Нуриддинова 1982 йилдан Зангиота туманидаги 44-ўрта мактабда ёшларга зиё тарқатиб келмоқда. Ундан таълим олган ўқувчиларнинг кўпчилиги математика фанидан ўзининг билимдонлиги билан ажралиб туради.

Суратда: Мукаррама Нуриддинова.

Н. Алмуродов олган сурат.

## ВАКЦИНАЛАР... ЎЗИМИЗДАН

***Самарқанддаги ветеринария илмий-тадқиқот институтида лаборатория шароитида чорвачиликда ишлатиладиган вакцина ва дориларнинг ўн хили тайёрланмоқда.***

Ушбу муассаса олимлари ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, фақат тадқиқотлар билан қаноатланмай, лаборатория шароитида ўзлари яратган янги дориларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқдалар. Бу ерда йилига моллар қутуришига қарши 110 минг, бузоқлар касаллигини даволашда фойдаланиш учун эса 1 миллион донага яқин вакциналар ишлаб чиқарилмоқда.

## 40 МИЛЛИОН СЎМЛИК БОЗОР

***Қарши шаҳар марказий бозорида талайгина қайта қуриш ишлари олиб борилаётир.***

Ҳар бири 300 квадрат метр саҳнни эгаллайдиган иккита айвон барпо этилаяпти. Ҳар иккала айвонларга савдо расталари жойлашади. Жами 40 миллион сўмлик тиклаш ишларини адо этиш мақсадида иш кўлами кун сайин авж олдирилмоқда.

***Тошкентда кинохаваскорлар ва фотоҳаваскорларнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган фестивали бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги барча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон республикаси вакиллари иштирок этди.***

***Самарқанд вилояти ҳудудидаги йўлларнинг узунлиги 12 минг километрдан зиёдроқни ташкил этади. Бироқ, ана шу йўлларнинг ҳолати шу куннинг талабига жавоб бермайди.***

***Шу боис вилоят ҳокими вилоятдаги автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Қарорга кўра, шу йилнинг ўзида автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш мақсадида 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.***

### УШБУ СОНДА:

2 

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИДАН – АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА

3 БАНК БИЛАН МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМА: У ҚАЙ ЙЎСИНДА БАЖАРИЛАДИ?

4 «ҲАВАС» – ЎХШАШИ ЙЎҚ МУСОБАҚА



***Ўзбекистон Республикаси маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг 70 йиллик юбилей кечаси бўлиб ўтди.***

***Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов олиб борди. Сўзга чиққанлар А. Ҳайитметовнинг босиб ўтган илмий ва ижодий йўли ҳақида қизиқарли маъруза қилдилар.***

***Манғит пахта тозалаш заводи тармоқ корхоналари орасидаги энг йирикларидан ҳисобланади. Завод бўйича шу йил бошидан буён 200 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. 4 минг 625 тоннадан кўпроқ тола АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Венгрия, Куба ҳамда Ҳамдўстлик давлатларига жўнатилди.***

# «ҲАВАС» — ЎХШАШИ ЙЎҚ МУСОБАҚА

## СЎЗ ТУРНИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

***Спорт — инсон ҳаётининг абадий ҳамроҳи, саломатлик ва баркамоллик асосидир. Шу маънода Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ривожини янги поғонага кўтариш, унинг чин маънода оммавийлашувига эришиш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги Президент фармонлари, Ҳукумат кўраётган чора-тадбирлар илк самараларини бера бошлаганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.***

***«Ҳавас» теннис турнирининг ташкил этилиши ҳам ана шундай хайрли тадбирлардан биридир. У мазкур спорт турининг янада кенг ёйилишига, минглаб юртдошларимизнинг бу жозибали ўйин билан бир умр ошно бўлиб қолишига хизмат қилади.***

***Қуйида ана шу турнир қатнашчиларининг ЎзА мухбирларига айтган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.***



**Уббиниёз АШИРБЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси:**

— Теннис бизнинг республикамизда ҳам одамларнинг севимли машғулотига айланиб бормоқда. Тўрткўлда теннис корти ишлаб турибди. Буюк давлат қуриш учун баркамол, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш лозим. Бу йўлда спорт, хусусан, теннис катта ёрдам беради. Шу маънода Президентимизнинг жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият бераётгани бежиз эмас. Биз бу борадаги ишларни янада ривожлантириш учун имконимизда бўлган ҳамма ишни қиламиз.

**Козим ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳар ҳокими:**

— Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Янги хиёбонлар, кўчалар, турли иншоотлар бунёд этилди. Улар орасида спорт иншоотлари алоҳида ўрин тутади. Юнусободдаги теннис мажмуи ҳам ана шулар жумласидандир. «Пахтакор» стадиони эса таъмирланмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, мана шу хайрли ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. «Ҳавас» теннис турнирининг шаҳримизда ўтказилиши биз учун катта шарафдир. Шу билан бирга у зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Турнир қатнашчиларига қулай шароит яратиб бериш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

**Эркин РЎЗИЕВ, Тошкент вилояти ҳокими:**

— Мустақил мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилаётганидан мамнунман. Вилоятимизда ҳам спортнинг оммавий турлари ривожланиб бормоқда. Хусусан, «Дўстлик» футбол жамоаси билан фахрланамиз. Профессионал футбол клуби мақомини олган бу жамоа мамлакат чемпионати олий лигасида муваффақиятли қатнашиб, барчамизни севинтирмоқда. Жамоа стадиони мавсумга яхши тайёрланди, келгусида мазкур иншоотни спорт мажмуига айлантириш тадорикини бошлаб юбордик. Бу ерда замонавий талабларга жавоб берадиган теннис корти қуриш ҳам режалаштирилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан «Ҳавас» теннис турнири ўтказилаётгани айни муддаодир. Биз мамлакатимиз раҳбаридан ибрат олиб, спортнинг ана шу тури бўйича вилоятимиз миқёсида қизиқарли беллашувлар ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Зеро, спортга ошно халқ ақлан зийрак, жисмонан соғлом бўлади, уни тетиклик, бардамлик ва хурсандчилик тарк этмайди.

**Алишер МАРДИЕВ, Самарқанд вилояти ҳокими:**

— Анъанавий Президент кубоги халқаро мусобақалари, айни пайтда Фарғона водийсида давом этаётган «Челенжер» туркумидаги беллашувлар бу спорт турининг республикамизда янада оммалашишида муҳим ўрин тутади. «Ҳавас» мусобақаси эса Президентимиз Ислом Каримов бошлаган хайрли ташаббуслардан яна бири бўлди.

Бу жисмоний тарбиянинг баркамол соғлом авлодни тарбиялаш, шахс такомилидаги ўрни нақадар муҳимлигини яна бир бор таъкидлайди. Вилоятда спортни ривожлантириш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Янги стадионлар, теннис кортлари, бассейнлар қуриляпти. Спорт билан шуғулланувчилар кун сайин кўпаймоқда.

**Баҳодир УМРЗОҚОВ, ижтимоий таъминот вазири:**

— «Ҳавас» турнирининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда профессионал теннисчилар эмас, ҳаваскорлар — турли касб эгалари қатнашади. Улар орасида турли бўғинга мансуб раҳбарлар — вилоят, туман, шаҳар ҳокимларию вазирларгача бор. Бу кишини қувонтиради.

Спортга муносабат масаласига келсак, буни одамнинг ҳатти-ҳаракати, юриш-туришидан ҳам билса бўлади. Муносабатим ижобийлигини сезгандирсиз.

Теннис кортида бўлажак рақибларимни огоҳлантириб қўймоқчиман: мен бу мусобақага қаттиқ тайёргарлик кўряпман!

**Жўра НОРАЛИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокими:**

— Мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришларни спорт соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Очиғини айтганда, бундан атиги тўрт-беш йил бурун теннис қандай ўйналишини кўпчилик яхши билмасди ҳам. Энди у кўпларнинг севимли ўйинига айланмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг спортга алоҳида эътибор бераётгани шарофатидир. «Ҳавас» турнирига таклиф этилганимдан хурсандман.

**Искандар ЮСУПОВ, Хоразм вилояти ҳокими:**

— Маҳаллаларда, мактабларда бўлганимда ёшларимизнинг спортга қизиқишини кўриб қувонаман. Зеро, чайир, чидамли ёшлар ватанимиз келажагидир. «Ҳавас» сингари турнирларнинг ташкил этилиши эса катталарнинг ёшларга кўрсатган ибрати бўлади. Мен бу турнирнинг аҳамиятини ана шунда, деб биламан.

**Тоҳир ЗОКИРОВ, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси:**

— «Ҳавас» — айтиш мумкинки, дунёда ўхшаши йўқ бир янгилик, тадбирдир. Унинг анъанавий бўлиб қолиши кишини янада қувонтиради. Мазкур турнирнинг ташкил этилиши мамлакатимизда нафақат теннис, балки спортнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлиши тайин. Чунки раҳбарларнинг ушбу мусобақага жалб қилиниши жисмоний тарбия ва спортга эътибор ҳамда ғамхўрликнинг тобора ортишига сабаб бўлади.

Биз қурувчиларимиз учун Хадра майдони ёнида янги теннис клубини қуриб фойдаланишга топширдик. Ҳозир у эрталабдан кечгача кишилар билан гавжум...

Менинг ўзим теннис билан икки йилдан буён шуғулланаман. Мен мусобақага киришадиган гуруҳ аъзолари ҳам ушбу завқли спорт турининг «ҳадисини олган» теннисчилар экан. Кескин курашлар кечиши турган гап.

**Олимжон БОЗОРОВ, Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари:**

— Вилоятимизда бу ўйинга қизиқиш ғоят катта. Ўтган йили уч ярим минг томошабинга мўлжалланган теннис кортини ишга туширдик. Бу «касаллик» «юқумли» бўлар экан. Агар мени ҳам теннис майдончасида кўриб қолсангиз, сира ажабланманг...

**Мавлон РАҲМОНОВ, Бухоро вилояти ҳокими:**

— Қутлуғ сана — Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги яқинлашмоқда. Тўйга тўёна ҳозирлаш халқимизнинг азалий удуми. Бу байрамга тўёналаримиздан бири Бухорода қурилаётган замонавий теннис корти бўлади. «Ҳавас» турнирини эса чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Унда бухороликларнинг муваффақиятли қатнашиши учун барча асослар бор.

**Икромжон НАЖМИДДИНОВ, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари:**

— «Ҳавас» турнири ўтказилишини эшитиб, қувондим. Қўлимга ракетка олганимга ярим йилча бўлди. Тажрибам унча катта бўлмаса-да, мусобақада қатнашмоқчиман. Чунки бундай тадбирдан четда туриб бўлмайди.

**Сапарбой АВАЗМАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси:**

— Спорт билан ошно бўлиш ҳеч қачон кеч эмас. Мен ҳам ярим йилча аввал теннис билан шуғуллана бошладим. Турнирда қандай натижага эришаман, буни билмайману, лекин бор куч-ғайратимни ишга солиб курашишга ҳаракат қиламан.

**Каримжон КАМОЛОВ, Бухоро шаҳри ҳокими:**

— Шаҳримизда ёшлар теннис мактаби ҳамда «Феруза» қизлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Бу ёшларимизнинг теннисга қизиқиши нақадар катталигидан далолат беради. «Ҳавас» турнирида турли лавозимдаги раҳбарларнинг қатнашиши эса ана шу ёшларга яхши ибрат бўлади деб ўйлайман. Шу боис ўзим ҳам бу мусобақада бажонидил иштирок этаман.

**Жаббор ҲАКИМОВ, Коғон шаҳар ҳокими:**

— «Ҳавас» турнирининг ўтказилиши теннисни янада оммалаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Чунки спортда маҳорат оммавийлик асосида шаклланади, деган ақида бор. Ўзбекистонлик теннисчилар «Президент кубоги» мусобақаларида, чет элларда ўтказилаётган нуфузли турнирларда йилдан-йилга юқорироқ ўринларни эгалламоқдалар. Демоқчиманки, теннис қанча кўп оммалашса, маҳоратли ўйинчилар шунча кўп етишиб чиқади.

**Рустам СУЛТОНОВ, Урганч шаҳар ҳокими:**

— Мамлакатимиз вакилларининг спорт майдонларидаги ҳар бир ютуғи кишига олам-олам қувонч бағишлайди, дилингизга нур олиб киради. Мен куни кеча ҳамюртимиз Артур Григорьяннинг профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлганини эшитиб бағоят қувондим. Унга юртбошимиз Ислом Каримов табрик мактуби йўллагани ҳам бежиз эмас. Демоқчиманки, ватанимизни дунёга танитишда спортнинг ўрни ниҳоятда катта. Уни оммалаштириш йўлидаги ҳар бир қадамни мен қутлайман. «Ҳавас» турнири ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради.

**Комилжон ҚОБИЛОВ, Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари:**

— Мамлакатимизда физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор беріляпти. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз бу борада бир қатор фармон ва қарорлар чиқардики, бу мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол ва соғлом ўсишини таъминлаш борасидаги ғамхўрликдир. Маълумки, республикамизда айниқса, теннис ва футболни халқаро талаблар даражасига олиб чиқиш борасида кўлами кенг ишлар қилинмоқда. Жиззах шаҳрида янги теннис корти қурилиши жадал бормоқда. Ундан ташқари янги стадионлар қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш учун маблағ сарфланмоқда.

Мен спортнинг теннис тури бўйича бир неча йилдан бери шуғулланиб келаман. Ишдан бўш вақтларимда ўз маҳоратимни ошириб бораман. Айниқса, 1994 йилда республика Президенти кубоги учун республикамиз пойтахтида жаҳоннинг энг кучли теннисчилари иштирокида бўлиб ўтган мусобақаларни кўрганимдан сўнг спортнинг бу турига бўлган қизиқишим янада ортди.

Тошкентда ўтказиладиган «Ҳавас» теннис турнирида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Теннис ўта маҳорат талаб ўйин. Шунга яраша ҳаракат қиламан.

**Рўзи ҲИКМАТУЛЛАЕВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси:**

— «Ҳавас» ўзига хос турнирдир. Чунки мен илгари бу сингари мусобақалар тўғрисида эшитмаганман. Рости, юртбошимизнинг ташаббускорлигига тан бермай илож йўқ. Мусобақа қизиқарли ўтишига, турли тоифадаги раҳбарларнинг соғлом, чаққон бўлишида катта ёрдам беришига ишонаман.

**Ҳаёт ҒАФФОРОВ, Навоий вилояти ҳокими:**

— Яқинда вилоятда ёшлар спартакиадаси, жисмоний тарбия ўқитувчилари мусобақасини ўтказдик. Навоийликларнинг спортга нечоғлиқ қизиқишига гувоҳ бўлдик. Бу эса вилоят раҳбарлари ана шу соҳага катта аҳамият беришини тақозо этади.

Бизда ҳам замонавий теннис корти бунёд этилмоқда. Бу эса жозибали ўйиннинг вилоятимизда янада кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этади. Спортнинг сузиш, волейбол, футбол турлари каби теннис ҳам энг оммавий ўйинга айланиб бормоқда.

**Анвар НОРМАТОВ, «Ўзнефтгазқазиболиш» бирлашмаси бош директори:**

— Менимча, спортнинг бирор турига қизиқмайдиган одам бўлмаса керак. Бунинг учун шароит, асбоб-анжомлар бўлиши керак. Мен ҳар бир раҳбарнинг вазифаси нафақат иқтисодий кўрсаткичларни бажариш, балки жамоанинг ана шундай эҳтиёжлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишда, деб биламан. Бу борада юртбошимиздан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди.

**Эркин АБЗАЛОВ, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари:**

— Вилоятимизда спорт кун сайин оммалашиб боряпти. Спортчиларимиз республика миқёсида, шунингдек, Осиё ва Европа минтақасида бўлиб ўтаётган учрашувларда совринли ўринларни олиб қайтмоқда. Улардан айримлари Атлантада ўтказиладиган Олимпия ўйинларига йўлланма олдилар. Бу ютуқлар замирида республикамиз раҳбариятининг спортга бераётган катта эътибори ётибди.

Кейинги йилларда спортнинг теннис тури айниқса кенг оммалаша бошлади. Вилоятнинг Усмон Юсупов, Китоб ва бошқа туман ҳамда шаҳарларида янги кортлар бунёд этилмоқда. Ўзим президентлик қилаётган вилоят теннис федерацияси ташаббуси билан шу кунларда теннис мактабини ташкил этишни режалаштирмоқдамиз. Бунинг учун етарли анжомлар, спорт кийимлари харид қилинди. Тошкентдаги «Динамо», «Саломатлик» спорт мажмуалари билан ҳамкорлигимиз ишларимизнинг самарали бўлишига кўмаклашмоқда.

**Шуҳрат БЕГМАТОВ, Қарши шаҳри ҳокими:**

— Теннис спортнинг бошқа турлари каби ўзингни синашни, ғалабага интилишни, ғолиблик завқини туйиш ва мағлубликка мардларча чидашни ўргатиши билан мени ўзига тортди. Айни пайтда мен спортнинг бу тури билан жиддий шуғулланишга киришдим.

Ҳозир Қарши шаҳрида «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ҳомийлигида 9 теннис корти, 100 кишилик меҳмонхона ва бошқа ёрдамчи биноларни ўз ичига олган катта теннис мажмуи қурилмоқда. Шу йилнинг июль ойида эса шаҳримиз спорт ишқибозлари «Қаршинефтгазгеология» бирлашмаси томонидан қурилаётган теннис кортидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

«Ҳавас» турнири бизни жисмоний чиниқтирибгина қолмай, спортни севишга, унинг муаммоларини ичдан билишга кўмаклашишига аминман.


# АЖОЙИБ ОЛАМ SAMSUNG

World BEST




## БУНИ ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛИШ МУМКИН!

**"Самсунг-Электроникс" уч йиллик тадқиқотлардан сўнг жаҳонда энг ясси экранли 29-дюймли биотелевизор яратди. У ўта тиниқ тасвирга, овозга ва замонавий кўринишга эга.**

**Ажойиб тасвир - Сиз бир пайтнинг ўзида иккита сюжетни томоша қилаверасиз.**

**Тиниқ овоз - товушнинг сифати компакт-диска даражасида, овозни истаган сюжетга мослайверасиз: "Концерт", "Стадион", "Моно".**

**Замонавий, хушбичим, бошқа "SAMSUNG" телевизорларига нисбатан 30 фоиз ихчам.**

# SAMSUNG

**SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни таклиф этади. Алматидаги омборидан бевосита етказиб берилади.**
**Самсунг Электроник Ко.**
**Алмати офиси, Алмати, Абилайхон, 81.**

### Фирма дўконлари:

| | | |
|---|---|---|
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Олой" бозори | 7(3712) 45-80-41 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Чорсу" савдо маркази | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, Хўжаев кўчаси | 7(3712) 45-52-69 |
| Кафолат-Файз | Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч. | 7(3712) 42-29-89 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110 | 7(3712) 34-02-58 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази | 7(3712) 35-09-86 |

SAMSUNG ELECTRONICS


*• Янги нашрлар*

# «ХЎЖАЛИК ВА ҲУҚУҚ»




Ҳуқуқий давлат барпо этилаётган мамлакатимизда яна бир янги ҳуқуқий нашр пайдо бўлди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ойлик ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-маърифий журнали — «Хўжалик ва ҳуқуқ» нашридир. Зеро, бу журнал эндиликда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал этишда Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари фаолиятига дахлдор масалаларни ранг-баранг тарзда ёритиб боришига, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамда омманинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Журналнинг илк сонида мамлакатимиз Президентининг шу соҳага дахлдор фармонлари ҳукумат қарорлари, шунингдек, Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг «Хўжалик суди: янгича ҳуқуқий муносабатлар сари» мақоласи, банкротлик тўғрисида, иқтисодий-ҳуқуқий қурилиш, халқаро алоқалар, контракция мавзуларида чиқишлар, табрик ва шеърлар берилган.

Мулкнинг турли шакллари тан олинган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги даврда янги журнал адолатли жамият барпо этилишига ўз ҳиссасини қўшиши, табиий.

**Э.БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ғ. Юсупов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0259 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6